



Шундай экан, обидалар ҳам аждодларимиздан колган хаяжонли, муаззам моддий-маънавий хабардир.

Обидалар бизнинг нуроний боболаримиздир. Вайрона холига келтирилганлари эса беокибат болалари ташлаб кўйган кексаларга ўхшайдилар. Кайси бир маърифатли мамлакатга назар ташламанг — ҳамма ерда обидалар кўз корачигйдек сакланиб келинади.

Бизнинг захматкаш юртимизда ҳам анчайин обидалар бор. Яхшиямки, Самарканд, Хива ва Бухорода дилни хайратга тўлдирадиган, махобатли, нафис иморатлар сакланиб колган. Лекин, афсуслар бўлсинким, Русия 1860—80 йилларда Ўрта Осиёни босиб олар экан, аёвсиз жангу жадалларда кўп обидаларнинг ҳам кўксидан кон окиб, юрт химоячилари каторида шахид кетганлар.

Хабибуллох Сайид Гани, Махмудхон Яхёхон

Айникса, 1917 йил ўктябр «инкилоби»дан сўнг кўплаб обидалар «инкилоб»ни тушунмаган ёки қабул қилмаган кимсалардек муқим ерларда «отиб» ташландилар.

Ўзингизга маълум, Хўканди латиф улкан бир худуднинг: Кошгардан тортиб Ўрунбурггача, Бадахшондан Ейиккача (Ўрол) бўлган давлатнинг пойтахти, доруссалтанаси эди. Шу боис бу шаҳарда бошқа маъволарга караганда масжиду мадрасалар, кироатхоналар, ҳаммому карвонсаройлар кўплаб қурилган.

Сайид Муҳаммад Худоёрхон даврига келиб, пойтахтда етмиш иккита мадраса, беш юз олтмиш олтита масжид, ўттиздан зиёд қорихона (Қуръони қаримнинг тиловатини ўргатувчи махсус мактаб), сўқирхона. (кўзи ожизлар таълим оладиган ва кун кечирадиган маскан), бир неча қаландархона (қаландарлар тасаввуф оқимининг вакиллари билан бириктирилган) ва етимхоналар мавжуд эди. Айни савобли ишга кетадиган харажатлар шаҳарнинг ўзига тўқ фуқароларидан тушган хайр-эхсонлар ва ақсари давлат ажратган вақф мулкларидан йиғилар эди. (Хужжат: № К. К. М. 5601 Д. П. 614. Хиҷрий 1229, шаъбон ойи, мелодий 1823, август. Кўкон. Ўлкани ўрганиш дорулосори). Шарқ ўтмишида халқнинг иқтисодий маданиятини белгиловчи омиллар асосан, ҳаммомлар, карвонсаройлар, кироатхоналар бўлган. Шаҳар кўргони ичида ўн икки ҳаммом, йиғирма олти карвонсарой ва хар бир масжиду мадраса қошида кироатхоналар

бўлган (Кўкон. Ўлкани ўрганиш дорулосори. Хужжат: № К. К. М. 5618 . Д. П. 728).

Инкилобдан сўнг динга карши кураш туги остида дажжоллар шахримиздаги кўплаб масжиду мадрасаларни бузиб ташладилар. Бу иморатларнинг аксарияти асрларга мўлжаллаб қурилган эди. Зобиглар канчалар чиранмасинлар — бузиш осон бўлмаган. Қадимий обидаларимиз сўнгги конлари колгунча ўзларини химоя қилганлар. Зўравонларнинг кучлари етмагач, кўплаб обидаларнинг остига бомба қўйиб портлатишга. Вайрон этилган улкан иморатларнинг харобалари эллигинчи йилларгача сақланиб қолган эди. Биз тенгилар бу харобалар ичида «уруш-уруш» ўйнаб улгайганмиз. Айниқса, Бойтакўприк мавзеида жойлашган Мухаммад Алихон (жаннатмакон Амир Умархон ва Мохларойим-Нодирабегимларнинг тўнгич фарзандлари. Хукмронлик даври — хижрий 1228—1248. Мелодий 1822— 1842 йиллар) мадрасаси ўз даврининг хонликдаги энг йирик ва жозибалиси эди. Мадраса икки каватли ва икки юзу қирк хужрага эга бўлган, қарийб 1000 га яқин толиби илм савод чиқарган. Хар бир хужрада тўрттадан саккизтагача толиблар яшаб, тахсил кўрганлар! Ҳозирги кунда мадраса ўрнида Хрущев даврида урф бўлган рухсиз, кўримсиз тўртбурчак уйлар (ётоқхоналар, ёнгинни ўчириш хизмати) жойлашган.

Шахарнинг Чалчик мавзеида Минг ойим (Норбўтабийнинг завжалари, Амир Умархоннинг волидалари) мадрасаси жойлашган эди. Бу мадраса ҳам инкилоб қурбони бўлди (Ҳозирги кунда мадраса ўрнида Хамза номидаги мусикий драма театри ва Хамза дорулосори бинолари жойлашган).

Минг Ойимдек мўътабар мадрасанинг ёнгинасида, машхур Чорсу майдонида бир-бири билан гўзалликда рақобат қиладиган икки каватли, қошинли уч мадраса опа-сингилдек зарофат билан нур сочиб туришар эди. Худоёрхоннинг оталиги — Мусулмонкул «Мадрасаи Олийяни қурдиришда кўп жонбозлик кўрсатган, на маблағни, на меҳнатни аяган. Ёш Худоёрхонга бахшида этилган ушбу мадрасада хонликнинг кўплаб шоиру уламолари, хаттоту фақиҳлари билим бўлганлар. 1914 йилда Фаргона вилояти маориф назоратчиси Юсуфхон Мирзонинг генерал губернатор Куропаткинга (Ўрта Осиёни босиб олишда қатнашган) берган ҳисоботлари-да «Мадрасаи Олий»да 42 хужрада 112 толиб яшаб, тахсил кўраётганлигига шохидлик берилган.

Чорсунинг шундоқ кунчиқарида Худоёрхоннинг иниси, Маргилону Ўш вилоятларининг ҳокими Саййид Мухаммад Султонмуродбек қурдирган мадраса қошинларида хар қуни субхнинг илк нурлари ажиб жилвалар қилгуси эди. Ушбу мадрасада қирқта хужра бўлиб, 86 толиб тахсил олган.

Чорсунинг жанубида эса узукка қўйилган кўздек ярашигʻлик «Ҳокимойим» мадрасаси мавжуд эди. Бу мадрасани Худоёрхон дунёда ўзи учун ҳаммадан афзал бўлган онасига — Жарқунойимга атаб қурдирган. Ушбу мадрасанинг 36 хужрасида олтиштача толиб билим оларди. Мадрасаларнинг ҳаммаси икки каватли ва мадрасадаги ҳамма толиблар нафақа олиб тахсил кўрардилар. Мадрасада тахсил уч босқичдан иборат бўлган: қуйи, ўрта, олий. Демакким, нафақалар ҳам уч хил бўлган: адно, авсат, аъло (Кўкон. Ўлкани ўрганиш дорул-осори). Надоматлар бўлсинким, бу мадрасаларнинг бири хотирамизда ҳам қолмаган Инкилобдан сўнг кашшофу қомсомоллар, борингим, «дунёни фаол қайта қурувчилар» шахримиздаги 62 мадраса қаторида уч опа-сингилни ҳам қўтаринки рух билан, қизил шанбаликлар уюштириб, қулини кўкка соғуришган, маърифатнинг буюқ ўчоқлари бузиб ташланган. Маърифат йўқ ўлкада эса маънавият жон таслим қилгусидир...

Инкилобдан кейинги адабиётимизда Муслмонкул ва Худоёрхонни ўта жохил ва маърифатсиз кимсалар қилиб кўрсатиш урф бўлган эди. Тарих кўрсатиб турибдики, бу кимсалар ҳам ўзлари ҳукмрон синфга мансуб бўлсалар-да, маърифатдан ажраб қолишмаган экан. Факат «айш сурабермасдан», умрларини беш вақт намоз ва масжиду мадрасалар қуришга ҳам сарф қилган эканлар-да!

Кўхна Шарқнинг факат амиру султонлари, хонлари салтанат марказида қурдирадиган, арқони давлатнинг ҳамқудрати, ҳам кўрки бўлмиш яхлит сарой—Ўрдадир.

Хўқанди латифда хонлик замонларида (1709—1876 мелодий) жами етти марта Ўрда қурилгани тарих солномаларига қитобат қилинган. Саййид Муҳаммад Худоёрхон қурдирган сарой, мозийдан воқиф энг сўнги Ўрда бўлиб, майиб ва мажрух ҳолда бизнинг қунгача етиб келган, ҳолос.

Ҳозирги Ўрда ўрнида амир Умархон жаннати маконнинг «Зарринсаройлари мавжуд эди. 1842 йили Бухоро амири Насруллохон Кўчонни фатх этди. Хар қайси урушда ҳам биринчи бўлиб яхшилар қурбон бўлганидек, «Зарринсарой» ҳам харобага айланди.

Ўрда учун шу ер, албатта, бежиз танланмаган. Бу жойни танлашда Худоёрхонга атрофидаги аъёни салтанат ҳам маслаҳатлар беришгани маълум. Алқисса, «Зарринсарой» бузилиб кетгани билан, руҳи барқарор эди. Демак, аждодларимиз буни теран тушунишган. Ўзларини ота-боболарнинг маънавиятидан зинҳор-базинҳор бенасиб этишмаган.

Саййид Муҳаммад Худоёрхон шайхулисломдан фатвони олиб, волидалари Жарқунойимнинг дуоларидан хурсанд бўлиб, улуг меҳнат йўлида хатми қуръон қилиб, хижрий 1280 йилнинг зулҳижжасида (1863 мелодий йил, феврал) Ўрда қурилишини бошлашга фармони олийни берган.

Қурилиш сарқори этиб Хўқанднинг таникли усталаридан Муҳаммад Турдали, бош меъмор этиб эса Мир Убайдуллох тайинландилар.

Фарғонача услуб билан қурилган, қошинлари хар қимсаннинг қўнглига рангин оханлар тўлдирган, улкан доруссалтанасининг кўрки бўлган Ўрда хижрий 1827 (мелодий 1870) йилнинг муқаддас рамазони шариф қунлари довругу тантана билан хонга ўймақор қўш таба-қали дарвозасини очди.

Саройнинг чегараси шаҳар майдонининг қаттагина қисмини ўз ичига олган бўлиб, тўрт тарқибий қисдан: ташқи сарой, ўрта сарой, ички сарой ва богдан иборат эди.

Ташқи саройда қурол-аслаҳа омборлари ва устахоналар, сарбозхоналар, жойлашган эди. Ўрта саройда хўжалиқ биналари, бофандалар (зарбофчилик), омборлар ўрин олган.

Ички саройнинг ўзи ўттиз етти ҳовли, бир юз ўн тўрт хонадан иборат бўлган. Бир юзу ўн тўрт рақам Қуръони қаримдаги муқаддас бир юзу ўн тўрт сурага ишора эмасмикин?

Ички саройда хоналар қуйидагича тақсимланган: жиловхона, саломхона, хужраи ҳос, девон, меҳмонхона, масжид, зарбхона, газна, доруш шаҳзода ва ичкари (ҳарам).

Саройнинг шаҳнишин ҳовлисида «Хавзи фўлодий» номли, ичига маъдан қопланган ҳовуз ҳам бўлиб, унинг устига қорёрларнинг номлари нақш этилган тўрт устун-ли шийпон ўрнатилган эди.

Бундай кўрқам саройда Саййид Муҳаммад Худоёрхонга давлатни сўраш факат беш йилга насиб этди, ҳолос.

Хижрий 1293 йилнинг шаъбон ойида (1876 йил, феврал, мелодий) Урусия қўшинлари Хўқандни забт этдилар. Босқин пайтида саройнинг қатта қисмига шикаст етди. Аввал ташқи саройнинг деворлари қулатилган бўлса, сўнгра ўзи ҳам қалъа қуриш учун ер билан

яксон килинди. Аркони давлатнинг Ўрдага тўпланган кимматбахо буюмлари, санъат асарлари, осори атикалари, девонхона хужжатларининг катта қисми, бир томондан, Ўрусия лашкарлари, иккинчи томондан эса хонга қарши қайфиятдаги гуруҳлар томонидан талон-тарож килинди. Кўкон хонлиги тугатилиб, унинг ўрнида Туркистон генерал губернаторлигининг Фаргона вилояти ташкил этилгач, Ўрда гарнизон қалъасига айлантирилди. Ташки ва ўрта сарой бутунлай бузиб ташланди. Хатто харам хоналарининг ўрнига казарма ва отхоналар қурилди. Саломхона, яъни хоннинг қабулхонаси черковга айлантирилди.

Рус зобитларидан бирининг қизи, кейинчалик шафқат хамшираси бўлган Зинаида Павловна Борисова ёшлиқ пайтида бир неча муддат қалъада яшаган. Унинг шаходат беришича, рус аскарлари арокка пул тополмай қолганлирида сарой хоналарининг деразаларини, нақшинкор эшикларини, тасодифан сакланиб қолган ашёларни дуч келган одамларга пуллаб юборишар экан (Кўкон дорулосори).

Америкодан келган кўконлик ўзбекларнинг айтишларича, Нуй-Йорк музейлиридан бирининг тўрида Кўконда ишланган, бетакрор нақшлар билан безатилган эшик намойиш қилинар экан. Қайдам, балким, саройдан талаб кетилган эшикларнинг биридир. Шўролар даврига келиб, Ўрдада турли муассаса ва ташкилотлар; камбағаллар кўмитаси, кўшчилар уюшмаси, тракторчилар курси, кишлок хўжалик кўргазмаси фаолият кўрсатди. Лекин бирор марта ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилмади. Натижада, янабир қанча иморатлар бузилиб, охир-оқибат саройнинг бир юз ўн тўрт хонвсидан ўн тўққиз хонагина бизнинг қунларгача етиб келди. Шу қунларда саройни, қисман бўлса ҳам, тиклаш ишлари олиб борилмоқда. Хайрият! Бирок, бу ишлар қадимгисининг ўрнини босолмас экан... Бир томондан, таъмир ишлари олиб борилгани билан, иккинчи томондан, Ўрда атрофини ўраб олган болаларбоп темирўл доимий «зилзилалар»ни яратиб, обидани вайрон қилмоқда.

Ўрда пештоқидан ва гулдасталиридан кўчиб тушаётган қошинлар қил-қил синмоқда. Қошинларни таъмирлашнинг эса ҳеч иложи йўқ. Водийда қошинларни фақат Риштон қулочилик қорхонаси тайерлаши мумкин. Лекин худонинг зорини қилганингиз билан, улар қошин тайерлаб беришмайди. Чунки бу иш иқтисодий томондан қорхонага фойда келтирмайди. Таъмирлаш ишлари бўйича буюртмачиларнинг эса доимо қўллари қалта. Риштонлик усталар эса чет элларга хар хил эсдалиқлар ясаш билан бандлар. Қурмагур доллар тушиб турса керак-да! Албатта, усталарни қоралаб бўлмайди. Бозор иқтисоди деганларидек... Аммо инсоний ва миллий ёрдамга муҳтож ёдгорликлар риштонлик дўстларимизнинг ҳам маънавий мулкларини-ку! Ўрданинг қадимги қошинларини риштонлик уста Абдуллох ишлаганликларини билишармикин улар?

Сўнги обидаларимизни ҳам эплаб саклаб қололмасак, қим деган одам бўлдиқ?!

Кўконнинг ўзида фақат қошин ишлаб чиқарадиган қорхона ташкил қилишнинг вақти етмадимикин? Ахир, қошинларга эҳтиёж фақат бизнинг жумҳуриятда эмас, балки Осиё мамлакатларида ҳам сезиларли. Шунинг учун қошин масаласини ҳал қилмасдан туриб, ёдгорликларни таъмирлашни тезлаштириб бўлмайди.

Жомеъ масжиди шаҳарнинг марказида жойлашган бўлиб, жума намозларини ўқишга ва хоннинг зарур фармонларини халққа етказишга хизмат қилган. Қадимда кентлар шаҳар макомини олиш учун, албатта жомеъ масжиди қурдириши зарур бўлган.

Ўрта асрнинг муаррихлари ва сайёҳларининг қатор асарларида Хўқанддаги жомеъ масжиди ҳақида маълумотлар учрайди,

Тарихий жойшунослик тадқиқотлари натижаси ўлароқ, мазкур асарларда эслатиб

Ўтилган жомеъ масжиди хозирги жомеъ ўрнида эканлиги аниқланди.

Муаррих Жамол Карший масжид Хўқандда вафот этган (хижрий 113, мелодий 731 йиллар) имом Абдуллох (Мухаммад пайгамбар саллаллоху алайхи ва салламнинг чеваралари), томонидан курдирилганлигига ишора қилган. Мўгул истилоси пайтида шаҳар билан бирга бу жомеъ ҳам вайрон бўлиб кетган.

1221 хижрий — 1805 мелодий йилдв Кўкон хони Мухаммад Олимхон (Умархоннинг акаси) бу ердв янгидан жомеъ биносини қуришга қиришади. Лекин деворлар одам бўйи кўтвриллар-кўтарилмас, пири Мухаммад Яъқуб Охунднинг: «Масжид каби муқаддас биноларни зулм ила тўпланган маблағ хисобига қуриш мамнуъидир»,— деган фатвосидан сўнг қурилишни тўхтатиб, тошу гиштини Афгон богда курдираётган саройга ишлатиб юборади. Сарой бизнинг кунларгача етиб келмаган. (Махмуд Хақим Яйфоний Хўқандий. «Хуллас-ут таворих». Ўлкани ўрганиш дорулосори жамгармаси).

Хижрий 1230, мелодий 1814 йили Амир Умархон хозирги кундаги жомеъ масжид қурилишини бошлаб юборди. Масжиднинг меъмори ўз замонасининг етук олиму фозили, заршуноси, хаттоти, мулла Худоёр Устрвашаний Махвий эдилар (Фазлий. «Мажмуаи шоирон». Фаргонв вилояти адабиёт дорулосори). Кўрсатиб ўтилган тазкирада келтирилишича, бино қурилишида икки юзга яқин Монийсифат меъморлар ишлаганлар. Бино тарҳини махвийнинг ўзи чизганлар.

Жомеъ хижрий 1232, мелодий 1816 йили тугалланган.

Бино мураббаъ (квадрат) шаклида бўлиб, гарб томонини масжиднинг асосий қисми, айвон ва хонақоҳ эгаллаган.

Тўксон саккиз устун кўтариб турган тўккиз газ баландликдаги шифт вассажуфт услубида ёпилган бўлиб, накши ва тузилишига кўра, Куръони қарим сураларига қиёс қилиб бир юз ўн тўрт равоққа бўлинган. Устунлар қумуш суви билан, муқарнаслар эса зарҳал билан зийнатланган. Ганжқор деворлари ислими ва парғори накшлар билан безатилган.

Жомеъ ховлиснинг қолган уч томонини дарвозалар, жиловхоналар, хужралар, дарсхоналар ва маиший бинолар эгаллаган. Жомеъ масжиди хонликдаги асосий ибодатхона бўлиши билан баробар, бу ерда мадраса ҳам мавжуд эди. Жомеъ мадрасаси хонликдаги олий илм даргоҳи эди. Бу мўътабар даргоҳда юз хужра бўлиб, икки юз йигирма толиб ўқиган, жумладан, Шарқий Туркистон ҳукмдори Яъқуббек Бадавлат, шоир Зоқиржон Холмухаммад ўғли Фуркат, Худоёрхоннинг нойиби Отабек, олим Акбархўжа Яхёхўжа ўғли, Хамзанинг устози Мирзои Хўқандийлар таълим олишган.

Жомеъ хижрий 1271—72 (мелодий 1855—56) йилларда Худоёрхон томонидан таъмирланган. 1905—07 йиллари Кўконнинг мўътабар қишилари билан Мир Хабиббой ташаббуси билан хашар усулида катта таъмир ишлари олиб борилган. Жомеъда мадраса 1921 йилгача, масжид эса 1933 йилгача ишлаб турган.

Динга қарши қураш бошлангач, жомеънинг катта қисми бузиб ташланади. Бино қолдиқлари турли артелларга оғборхоналар сифатида «такдим» этилганди.

Нихоят, 1975—80 йиллар давомида жомеъ масжиди қисман тикланди. Эзгу мақсад йўлида бошланган иш, таассуфки, мақсадга етиб бормади. Масжиду мадрасанинг қадимий қиёфасини тиклаш ўрнига савдо муассасалари, хунармандчилик устахонаси ва маъмурий бино қурамасидан иборат мажхул иншоот қурилди

ДАХМАИ ШОХОН. Дахмаи Шохон Кўкон хонларининг ҳазираси (ҳазира — оилавий дахма)дир.

Дахмаи Шохон хижрий 1238—1240, мелодий 1822— 24 йиллари Мохлар ойм. (Нодирабегим) томонидан умр йўлдоши, улкан доруссалтананинг хукмдори, замонасининг пешкадам шоиру фузалоси, карами кенг устози Амир Умархон жаннати маконнинг ёруг рухларини шод айламак ниятида барпо килдирилган. Дахмаи Шохон минг йиллик маъюс кабрлар ичинда кутилмаганда, олти киррали улугвор кошинли гулдасталари билан, ислими услубидаги накшли, кўш тавакали дарвозаси билан, шамолдан сўнг кўринадиган Кўконнинг тиник фируза осмони сингари гумбази билан, Сахройи Кабир ўртасида ногахон пайдо бўлиб колган Фирдавс богига ўхшаб мардумлар калбидан айрилик зангини ювиб кетгулик эди.

Дахмаи Шохоннинг меъморлари кўконлик усталар бўлиб, гишт ва кошин ишларини уста Мухаммад Кўзи, ёгоч-ўймакорлик ишларини эса уста Мухаммад Исо Нажжор бажарганлар. Дахма янги курилган пайтида унинг мухташам равоки хам бўлган. Дахма ичкарасидаги пасткам эшик оркали худди салом бергандек эгилиб, мураббаъ шаклидаги ховли сахнига чиқилади. Ховлида Кўкон хонларидан Норбўтабийнинг тахт насиб этмаган севимли фарзанди, хаётдан бевакт кўз юмган Мухаммад Аминхоннинг саганаси бор. Дахмаи Шохоннинг асосий кисмида — хилхонада Норбўтабий, унинг катта ўгли Мухаммад Олимхон, ўртанча ўгли Амир Умархон ва уларнинг авлодлари дорул бакода мукимдурлар.

Дахмаи Шохоннинг ўймакор ва чизма накшлари билан уйгунлашиб кетган китобалар хикмйтларга тўла. Дахмаи Шохонга кира беришдаги меҳробсимон кўш тавакали дарвозанинг пештокига жалий хати билан куйидаги хадиси шариф битилган: «Азза ман канаъ, залла ман тамаъ. Кулли фажжин амик». Яъни: «Каноат кишини иззатга, тамахорликка олиб боради. Хар кандай пастлик пастликка тортади». Дарвозанинг хар икки тавакасига Умархон вафотида багишланган форсча марсия-таърихлар ўйиб ёзилган. Шулардан бирининг мазмунини эътиборингизга хавола этамиз:

Адолатни ўзига коида килган дин шохи

бу заиф оламдан хак сари кетди.

У нуткда Исонафас!

Кўк кўз фалакнинг дастидан дод,

Хатто шундай шохга хам захмат етказди!

Дарвоза тавакаларининг хошияларига настаъликнинг райхонийсида битилган

Умархоннинг туркийдаги газалларидан намуналар оройиш бериб турибди:

Зихи сонийки, андин бор ўлуб олам аро ашё,

Зебони лолаву савсан эрур хамди учун гўё.

Бахори лутф ила тошдин чикарди лолани ахмар,

Ясатти ядди кудрат бирла етти гумбази хазро...

Дахмаи Шохондаги мўътабар китобалардан бирин Амир Умархоннинг кабрига кўйилган мармар тошга ёзилган лавхадир. Унда номаълум шоир томонидан ёзилган газалда Умархоннинг вафоти тарихи берилган.

ДАХМАИ МОДАРИ ХОН. Амиру хонларнинг аёлларини ўлимларидан сўнг эрлар билан бир хазирага кўймаганлар. Кўкон хонларининг бегойимлари кабрини ўз ичига олган Дахмаи Модари Хон шу тахлит пайдо бўлган.

Дахмаи Модари Хонни хижрий 1241, мелодий 1825 йили Мухаммад Алихон рахматли жаннатмакон эналари Минг оймнинг маъсум хотираларига атаб курдирган.

Хазирани курган меъмор хакида дахманинг ўзи шохидлик бериб турибди. Дахмаи Модари Хон гумбазининг хошиясига настаълик билан: «Амали Ўтанбек Окерий, сана

1241», деб ёзилган. Демак, ул мўътабар зот Рашидоннинг Окер касабасидандурлар. Дахмаи Модари Хон бизнинг давримизга ўта вайрон ва гариб холда етиб келган. Шу туфайли унинг дастлабки кифасини тасаввур қилиш ҳам қийин. Дахмаи Модари Хоннинг хилхоналари мутлак йўқ бўлиб кетган. Хозирги кунда ҳам харобалар остида Мингойим ва кундошлари Ойпошшо ойим, Нуржахон ойим ҳамда Умархоннинг синглиси Офтоб ойимларнинг хоки поклари ётибди. Шу кунда катта бир иморатдан факатгина унинг пештоки, гумбази; ва пештокнинг икки четидаги кошинли гулдасталар эзилган, каровсиз холда мунгайиб турибди...

Дахмаи Модари Хон гумбази тўғрисида алохида тўхталиб ўтиш жоиздир. Бу гумбаз ўзи мўъжазгина. Ва лекин ичкарига кириб карасангиз, бутунлай бошка оламга бориб колгандек бўласиз. Бу гумбазнинг ичига ганчдан ишланган рамзий накшлар юрагингизга абадий хайратни муҳраб қўяди. Гумбазнинг пастки гардишидан ўйик чизиклар бир-биридан 4—5 мискол чамаси масофада чапга буралиб юкорига, марказга томон ха-ракатдадирпар. Гумбазнинг энг юкори нуктасида бу чи-зиклар туташган. Тасаввур қила оласизми? Катта бир эшилган арконнинг бошини тугун қилиб қуйи кисмини кесиб юборсангиз, толалар марказдан бир текисда кочиб, эшилганча юкори нуктада бирлашадилар. Гирдобнинг ўзгинаси. Мангулик муждаси!

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, коинот оламида улкан кашфиётлар очилганлиги ўзингизга маълум. Оламнинг «буюк портлаш»дан сўнг гирдибод шаклидалиги исботланди. Олимлардан Фридман, Хабл, Амбарсумовларнинг бу соҳадаги хизматлари бекиёсдир.

Хайратланарлиси шундаки, Ўктябр инкилобидан олдин саводсиз ҳисобланган халкимизнинг вакили оламнинг харакатдаги рамзини Коинотнинг мажози бўлмиш Гумбазга 1825 йилдаёқ накш қилиб кетган.

Бу обидалар сув бипан хаводек зарур. Чунки, бу обидалар инсониятнинг қай маконда муқимлигини доимо ёдига солиб туради. Чекланиб-чекланмаган коинот ичида, ўзи мангу яшайдиган олтин бешикни тебратувчига ҳамду санолар айтишни ёдига солиб туради. Зеро... Хўқанди латифнинг буюк тарихи, уйғок руҳи ва шаходатмаоб обидалари тўғрисидаги изланишлар давом эттирилар экан, Сиз азизларни боболарнинг камолотга етган маънавияти хазинасидан бебахра колдирмаймиз, иншооллох!